

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ
ФАКУЛЬТЕТИ**

“МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

АЛИМАРДОНОВ ОЙБЕК ҚАМБАРАЛИЕВИЧ

**«ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ
МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ»**

*5342300 - «Инқирозга қарши бошқарув» мутахассислиги таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. Асатуллаева Д.

ТОШКЕНТ-2011

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

I-боб. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.....

1.1 Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.....

1.2 Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....

1.3 Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси.....

II-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг амалий таҳлили.....

2.1 Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш жараёнларининг таҳлили.....

2.2 Иқтисодий ночор корхоналарни қайта таркиблаш жараёнларининг амалдаги ҳолати таҳлили.....

III-боб. Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш усулларини такомиллаштириш йўллари.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш.

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. XX асрнинг охирларида бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашуви, капиталлар халқаро ҳаракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инқироз дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли қоғозларига қўйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада 2008 йилга келиб бутун жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi юзага келиши натижасида жаҳон давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлишида муҳим рол ўйнади. Бундан шароитда ҳар бир давлат инқироздан чиқиб кетиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали жорий этишдай муҳим вазифани амалга ошира бошлади. Инқироз шароитида ҳар қандай давлатнинг олдидаги турган асосий вазифалардан бири корхоналар банкротлигини олдини олиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

Мамлакатимизда, Юртбошимиз бошчилигида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам корхоналар банкротлигини олдини олиш ва молиявий соғломлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги йилларда Президентимиз И.А. Каримов томонидан қабул қилинган қатор Фармонларнинг амалиётга жорий этилиши ушбу жумламизнинг тасдиғидир.

Юртбошимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, “Биз жорий этган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини тадбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди. Бу борадаги ишларимизнинг

аҳамиятини тасаввур этиш учун ана шу қайта тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 460 миллиард сўмни ташкил этиб, умумий қиймати 165 миллион доллардан ортиқ бўлган турли маҳсулотлар айтиш кифоя, деб ўйлайман*.”

Албатта, Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бундай корхоналар негизида янгидан ташкил этилаётган корхоналарда қўшимча иш ўринларини яратиш ва инвестицияларни киритиш каби ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг назарий жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва буларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, биз томондан танланган битирув малакавий ишининг долзарблигини билдиради.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар банкротлигини олдини олиш ва молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва амалий нуқтаи назардан хорижлик иқтисодчи олимлар Ежкина, С. Ильдеменов, В. Ириков, В. Леонтьев, С. Леонтьев, И. Липсиц, И. Мазур, Н. Мильчакова, М. Молиной, А. Нещади́на, М. Одинцов, Л. Перекрестова, С. Ребров, Н. Рудык, Е. Семенова, В. Тренев, М. Федотова, В. Шапиро, Е. Шаффер, С. Эстрина ва бошқаларнинг илмий ҳамда ва амалий ишлари турли даражада тадқиқ қилинган. Шунингдек республикаимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари М.Ш. Шарифхўжаев, О.О.Олимжонов, А.В.Ваҳобов, Н.Жумаев, Н.Х.Хайдаров, М.М.Йўлдошев, Б.Умаров, О.Абдурахмонов ва бошқалар ўзларининг иқтисодий асарларидан ушбу соҳанинг назарий жиҳатларини ёритиб ўтганлар.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш усуллари назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, молиявий соғломлаштириш жараёнлари бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ҳамда мамлакатимизда қўллаш имкониятларини аниқлаш ишнинг мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

* И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Тошкент - “Ўзбекистон” – 2011 йил. 11-бет.

- корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ўрганиш;
- инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз амалиётида қўллаш истиқболларини белгилаш;
- инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш жараёнларини амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- иқтисодий ночор корхоналарни қайта таркиблаш жараёнларининг амалдаги ҳолати таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш;
- инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти Республикасида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш усулларни ўрганиш ва бу борадаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллариини белгилаш ишнинг предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Шунингдек ишга, жадвал ва расмлар бириктирилган.

I-боб. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.

1.1 Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бугунги кунда корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш, бу йўналишда давлатнинг иштирокини фаол таъминлаш, қонунчилик асосларни мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади.

Молиявий соғломлаштириш – корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш. Бошқача қилиб айтганда, корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш дейилганда, корхона фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш, уларда реструктуризациялаш жараёнларини жорий этиш, хўжалик – молиявий фаолиятини модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг мажмуи ҳисобланади. Корхоналар фаолияти молиявий соғломлаштиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- хўжалик-молиявий фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш;
- банкротлик таомилларини жорий этиш;
- корхонани ташқи инвесторларга сотиш;
- корхонани қайта таркиблаш;
- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини диверсификациялаш ва бошқалар.

Корхоналар хўжалик-молиявий фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштиришнинг моҳиятини ишимизнинг кейинги бобларида таҳлил қилиш жараёнида батафсил ёритиб ўтамиз.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг яна бир муҳим усулларида бири бу банкротлик таомилларини қўллаш орқали амалга оширилади. Банкротлик таомиллари дейилганда “Банкротлик тўғрисида” ги Қоннунинг 28-моддасига мувофиқ қуйидагилар тушунилади*.

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриляётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- кузатув;
- суд санацияси;
- келишув битими;
- ташқи бошқарув;
- тугатишга доир иш юритиш.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриляётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- келишув битими;
- тугатишга доир иш юритиш.

Кузатув - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилин и ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили. Кузатув банкротлик тўғрисида иш кўзғатилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилган санадан эътиборан жорий этилади.

Кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан:

мулкый ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тўхтатиб турилади, иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш ҳақидаги,

* Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида” ги Қонуни. 05.05.1994 й. N 1054-XII.

хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинган пайтга қадар қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этиш бундан мустасно. Хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажрими ижро ҳужжатларини ижро этишни тўхтатиб туриш учун асос бўлади;

қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш тақиқланади;

эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни тўлаш тақиқланади.

Муваққат бошқарувчи кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан хўжалик суди томонидан тайинланади. Хўжалик судининг муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримда унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилган бўлиши керак. Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Муваққат бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек қарздор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаблар қўйиш;

кузатув даврида кредиторларнинг талабларини бажаришга эътироз билдириш;

кредиторларнинг талаблари бўйича қарздорнинг такдим этилган эътирозлари асослилиги судья томонидан текширилишида иштирок этиш;

қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга бериш ҳақидаги, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш;

қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва ҳужжатларни олиш.

Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Суд санацияси - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили. Суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида жорий этилади. Суд санацияси жорий этилган пайтда:

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;

қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди.

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ қондирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ва кредиторнинг талабини қаноатлантириш пайтигача, агар бундай қаноатлантириш рўй бермаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтигача кредиторнинг талаблари суммасига қўшиб ёзилиши лозим. Кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд

санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этишни санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли. Хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар қўмитасининг розилигисиз қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, қарздор эса қуйидаги битимларни тузишга ҳақли эмас:

кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида қўшиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар; заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимлар; агар муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор бўладиган бўлса, айна ана шундай битимлар.

Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қарздорнинг битимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Санация қилувчи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли: қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвали

бажарилиши жараёни ҳақида ахборот талаб қилиш; қарздорнинг раҳбаридан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини талаб қилиш; қарздор томонидан мол-мулкнинг инвентаризацияси ўтказилган тақдирда унда иштирок этиш; кредиторлар жорий талабларини қарздор ўз вақтида бажариши устидан назоратни амалга ошириш; қарздорнинг битимлари ва қарорларини келишиб олиш ҳамда мазкур битимлар ва қарорлар ҳақида кредиторларга ахборот тақдим этиш; қарздорнинг кредиторлар талабларини тан олиш ёки бундай талабларни аниқланган деб топиш учун асосларни тасдиқлаш бўйича ҳаракатлари ёхуд қарздорнинг кредиторлар талабларини кўриб чиқиш борасидаги ҳаракатсизлиги устидан хўжалик судига шикоят бериш; қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш; қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга ўтказиш, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

Санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятлари: кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши; кредиторларнинг йиғилишини чақириши; қарздор томонидан тақдим этилаётган суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиши ҳамда кредиторларнинг йиғилишига тегишли хулосаларни тақдим этиши; суд санацияси режаси амалга оширилишининг бориши ҳақида кредиторлар йиғилишига ва кредиторлар қўмитасига, шунингдек агар корхона устав фондида давлат улуши бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

Агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади. Ташқи бошқарув - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили. Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан:

қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариши шарт;

қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари тугатилади. Қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органлари ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади, ушбу Қонунга мувофиқ бошқа шахсларга (органларга) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно. Қарздорнинг бошқарув органлари ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ташқи бошқарувчига топширилишини таъминлаши шарт;

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қўрилган чоратadbирлар бекор қилинади; қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида қўлланилиши мумкин;

қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади;

Ташқи бошқарув тугаганидан кейин пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек етказилган зарар суммалари ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мумкин. Ташқи бошқарувчи раҳбарлик ваколатларини амалга оширади. Ташқи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли: кредиторлар йиғилишини ҳамда кредиторлар қўмитасини чақириш; қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш; қарздор номидан келишув битими тузиш; ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун бошқа шахсларни уларнинг фаолиятига қарздор маблағларидан ҳақ тўлаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш; ўз вазифаларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш; қарздорнинг шартномаларини бажариш рад этилишини маълум қилиш.

Қарздор банкротликка олиб борилганлиги муносабати билан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган

учинчи шахсларга нисбатан ташқи бошқарувчи ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида талаблар қўйишга ҳақли. Ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари:

қарздорнинг мол-мулкани ўз тасарруфига қабул қилиши ва уни инвентаризациядан ўтказиши; қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкани қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши; ташқи бошқарувни ўтказиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун махсус ҳисобварақ очиши; ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши учун тақдим этиши; бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиши; кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириши; қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриши; кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши; кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси бажарилишининг бориши ва яқунлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилиши жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари миқдори кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар талаблари суммасининг йигирма фоизидан ортиқроғини ташкил этган ҳолларда қарздорнинг янги пул мажбуриятларини келтириб чиқарувчи битимлар, ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларни истисно этганда, ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан тузилиши мумкин. Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этиши керак.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин: ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш; норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш; дебиторлик қарзларини ундириш; қарздор мол-мулканинг бир қисмини сотиш; қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш; учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши; қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш; қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкый мажмуа сифатида сотиш; қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш.

Кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкӣ мажмуа сифатида сотиш назарда тутилиши мумкин. Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки, шу жумладан ер участкалари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, инвентари, хом ашёси, маҳсулоти, талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек қарздорнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари), унинг товарлари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлар ўзга шахсларга ўтказилади, бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно. Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилади, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади. Баҳоловчи ташкилот кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланади. Ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли. Ким ошди савдосига қўйиладиган корхонани (бизнесни) сотишда бошланғич нарх, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, корхонанинг мол-мулкини баҳоловчи ташкилот ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланади. Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан ҳўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши лозим

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздор очик акциядорлик жамиятининг қўшимча акцияларини жойлаштириш имконияти назарда тутилиши мумкин. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фондини кўпайтириш имконияти ташқи бошқарув режасига фақат зарурий қарорни қабул қилган қарздорнинг акциядорлари умумий йиғилишининг илтимосномасига биноан, агар бу илтимоснома ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув тугайдиган санага камида олти ой қолганида юборилган бўлса, киритилиши мумкин.

Қарздор очик акциядорлик жамиятининг устав фондини унинг қўшимча акцияларини чиқариш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Агар қарздорнинг устав фондини унинг қўшимча акцияларини жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда эълон қилинган акцияларнинг қарздор уставида белгиланган миқдорини кўпайтириш қисмига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, унда қарздорнинг уставига фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин бўлади.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг кейинги усуллари хусусида ишимизнинг кейинги параграфларида батафсил тўхталиб ўтамыз ҳамда ушбу ҳолатларни амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиб ўтамыз.

1.2 Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Хусусан, 2009 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узоқ давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва

технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (қўмақлар) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра:

- тижорат банкларига банкрот корхоналар ёки улар мол-мулкнинг берилиши, сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларига киритилиши, шунингдек банklar томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизида янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

- банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган,

эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банklar тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Президентимиз

маърузасида таъкидланишича, 2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди. Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Булардан ташқари, ушбу йўналишда “Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик-тижорат банки томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунгача 9 та банкрот корхонанинг мол-мулки банк балансига қабул қилинди. Танлов асосида инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан сотиб олинган “Балиқчитекс” қўшма корхонаси ва “Балиқчитекстил” очик акциядорлик жамияти, банк кредитлари бўйича қарздор бўлган “Ҳазорасп гилами” масъулияти чекланган жамияти, “Туямўйин ғишт” шўба корхонаси, “Туямўйинсувқурилиш” очик акциядорлик жамияти, “3-МКЖ” шўба корхонаси, “Хоразм Боғот қурилиш” очик акциядорлик жамияти, “Туямўйин материаллари таъминоти тўбе жамияти” ва “Хўжалик ҳисобидаги махсус қурилиш тармоғи” шўба корхонаси каби 7 та корхона шулар жумласидандир.

Хорижий инвесторларни жалб этиш ва ушбу корхоналарни самарали бошқариш мақсадида банк томонидан низом жамғармаси 5 миллиард сўмлик “PSB Industrial Investments MChJ” бошқарув инвестиция компанияси ташкил этилди, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ишлаб чиқариш активларини молиявий соғломлаштириш бошқармаси бошлиғи Озод Мўминов. – Банкимиз томонидан банкрот корхоналар мол-мулклари негизида ташкил этилган корхоналар банк тасарруфига ўтказилди. Бу ушбу корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Банк томонидан тасдиқланган бизнес-режаларга асосан корхоналарни ривожлантириш учун қиймати 18 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция киритиш ва 650 дан ортиқ янги ишчи ўринларини яратиш кўзда тутилган эди. Жорий йил 1 август ҳолатига кўра, банк томонидан бу борада 18,5 миллиард сўм сармоя йўналтирилди ва бу 755 янги иш ўрни яратиш имконини берди. Асосан қурилиш-монтаж ишларини

бажариш билан шуғулланадиган “Khorezm Global Construction” масъулияти чекланган жамияти “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан амалга оширилаётган ишлар нечоғли самара бераётганига яққол мисол бўла олади. Ушбу корхона “Туямўйинсувқурилиш” очик акциядорлик жамияти, “3-МКЖ”, “Туямўйин материал таъминот тўбе жамияти” шўба корхоналари ва “Хоразм Боғот қурилиш” масъулияти чекланган жамияти мол-мулки негизида ташкил этилди. Ушбу корхоналарни қабул қилиш пайтида уларнинг бинолари, иншоотлари, транспорт воситалари ҳамда муҳандислик коммуникациялари фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатда эди. 2010 йил 1 август ҳолатига кўра, банк томонидан янги корхонага жами 3,93 миллиард сўм инвестиция киритилди. Йил якунигача инвестициялар ҳажмини 6,4 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан амалга оширилаётган молиявий соғломлаштириш тадбирлари ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Жорий йил биринчи чорагида корхона томонидан “Khorezm bricks” масъулияти чекланган жамияти ғишт заводида 400 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича илк пудрат шартномаси тузилди. Иккинчи чоракда “Жанубгазмахсусмонтаж” унитар корхонаси билан Марказий Фарғона сув омборида қурилиш ишларини бажариш бўйича қиймати 4 миллиард сўмдан ортиқ иккинчи пудрат шартномаси тузилди. Бизнес-режага мувофиқ, “Khorezm Global Construction” ҳар йили қиймати 4 миллиард сўмдан – 5 миллиард сўмгача бўлган ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаради. “Khorezm Global Construction” йўл қурилиши соҳасидаги ишлар ҳажмининг ортиб бораётганини ҳисобга олиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга замонавий, тежамкор, кўчма асфалт заводини харид қилишни режалаштирмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк”дан маълум қилишларича, бундай ишлар бошқа корхоналарда ҳам амалга оширилган. Бу борада мазкур корхоналар жойлашган ҳудудларнинг эҳтиёж ва салоҳияти инобатга олинган. Банк сармоялари ҳисобидан ушбу объектларда модернизация қилиш, қурилиш-қайта тиклаш, янги ускуналарни монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етказилган.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айти пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, 2005-2009 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошган.

Шу ўринда тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг яна бир муҳим ҳукукий асосларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелдаги “Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси” даги 188-сонли Қарори ҳисобланади.

Қарорда иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг таркибий ўзгартирилиши ва банкрот бўлиши жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар белгилаб ўтилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тақдимномасига кўра таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналар ўз балансидаги:

турар жойлар, ётоқхоналар, болалар боғчалари ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа объектларини — ўзлари жойлашган жой бўйича шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари балансига;

умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини (электр тармоғи хўжалиги, сув таъминоти объектлари, транспорт коммуникациялари ва ҳоказолар) — функционал мансублилигига кўра тегишли хўжалик бирлашмаларининг корхоналари балансига жорий ҳолати бўйича белгиланган тартибда берадилар.

Мазкур қарорга мувофиқ балансдан балансга берилаётган умумий фойдаланиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қиймати берувчи томон учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ва қабул қилувчи томон учун даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

2. Таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий фондларини консервация қилиш тўғрисидаги қарор таркибий ўзгартириш ёки банкротлик тартиботи амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий органлари хулосаларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланиладиган корхоналарнинг тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий фондларини консервация қилиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий фондларни консервация қилиш тўғрисидаги таклифларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқишнинг чекланган муддатлари кўпи билан икки ҳафта этиб белгиланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳайъатининг қарорига кўра таркибий ўзгартириладиган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарнинг (мулкӣ комплексни ва бизнесни баҳолаш ҳам шу жумлага киради), шунингдек хўжалик судининг қарори билан уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкни халқаро методикага мувофиқ мол-мулкнинг реал бозор, инвестиция ва тугатиш қийматини ҳисобга олувчи баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилган баҳолаш кимошди, биржа савдоларида ва ошкора таклиф асосида мол-мулкни сотишда белгиланган тартибда бошланғич баҳо сифатида қўлланилиши мумкин. Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкни баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги қўшимча Низомга мувофиқ тасдиқланади.

Қарздор корхона банкрот деб эълон қилинганда ва тугатиш ишлари бошланганда, агар қарздор кредитори кредиторлар талабномалари реестрига киритилган, кредитор қарзи бўйича қарздор кредитор қарзининг умумий суммасидан 70 ва ундан кўп фоизи талабига эга тижорат банки ҳисобланган тақдирда тугатиш иши очилганда, ушбу кредитор, гаров предмети ҳисобланган мол-мулкдан ташқари, банк томонидан:

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатларни тўлашни ва талабларни қондиришни ва иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашни;

тижорат банклари томонидан банкрот корхона сотилгандан кейин банкрот корхонанинг бошқа кредиторлик қарзини тўлашни назарда тутадиган мажбуриятлар қабул қилинганда қарздор корхонаси (мол-мулк)ни тугатиш қиймати бўйича ўз мулкига ўтказиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Тижорат банки томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатлар ва талабларни қондириш ва иш ҳақи бўйича қарздорликни тўлаш ҳўжалик суди томонидан кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича 70 ва ундан кўп фоиз қарздорликка эга бўлган банкрот корхонанинг мол-мулкини кредитор банкнинг мулкига тугатиш қиймати бўйича бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак. Ушбу банднинг учинчи хатбошига мувофиқ тижорат банкнинг мулки қилиб берилган банкрот корхонанинг кредиторлари билан узил-кесил ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқилган қўйилган маблағлар бўйича фоиз даромади ва сотиш суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маржа ҳисобга олинган ҳолда илгари банкрот корхонага берилган кредитлар бўйича қарздорлик, фаолиятни тиклашга банкнинг харажатлари чиқариб ташланган ҳолда кейинчалик корхонани бозор қиймати бўйича стратегик инвесторларга сотишдан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

1.3 Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси

АҚШ даги инқироз дастлаб истеъмол ва ипотека кредити соҳаларида юзага келди. АҚШ нинг ипотека агентликлари Freddie Mac ва Fannie Man биринчилардан бўлиб катта миқдорда зарар кўрганликларини (мос равишда 50 млрд. ва 59 млрд. АҚШ доллари миқдорида) эълон қилишди. Ваҳоланки, улар ҳиссасига ипотека бозори айланмасининг 44 фоизи (5,3 трлн. АҚШ доллари) тўғри келарди. Инвестиция банклари ҳам катта талофат кўрди. Bear Stearns йирик банк бўлмиш JP Morgan Chasera сотилган бўлса, 158 йиллик тарихга эга бўлган инвестиция банки Lehman Brothers 613 млрд. қарз жамлаган ҳолда банкротликка юз тутди. Йирик инвестиция банкларидан бири Merrill Lynch тижорат банки – Bank of Americaга бозор баҳосининг 70 фоизига сотилди. Morgan Stanleyнинг акциялари биргина 8 та савдо сессияларида биржа қийматининг 49 фоизини йўқотган бўлса, бу кўрсаткич Goldman Sachsда 51 фоизни ташкил этди. Натижада Уолл-стритда фақатгина иккита мустақил инвестиция

банки қолди. Йирик суғурта компанияси American International Group ҳақиқатда миллийлаштирилди.

Кейинчалик инқироз АҚШнинг йирик молиявий муассасалари Citigroup, Bank of America, JP Morgan Chase, Wells Fargo ва бошқаларни қамраб ола бошлади. Банк тизимидаги ликвидлилик муаммолари, ўз навбатида, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи пасайишига, кредит рискларининг ортишига ва иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлди.

Инқироз банкларнинг кредитлаш соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига кўчди: бозорда таклифнинг талабдан ошиши кузатилди ва бу ҳолат АҚШ автосаноатидаги ёппасига ишдан бўшатишнинг кучайиши билан якунланди. General Motors, Ford, Chrysler каби гигантлар оғир ҳолга тушиб қолишди. 2009 йилнинг 24 феврилида АҚШ Президенти Б.Обама иқтисодиётнинг инқирозга тушиб қолганлиги ва ҳар 30 секундда мамлакатда банкротлик рўй бераётганлигини эълон қилди.

АҚШнинг инқирозга қарши сиёсати бозордаги талабни рағбатлантириш, йирик бизнесга - йирик банклар ва корпорацияларга етарлича кўмак беришга йўналтирилди. Инқирознинг етти ойи мобайнида (2008 йилнинг сентябридан 2009 йилнинг мартигача) АҚШ Dow Johns индекси 34,8 фоизга, Nasdaq индекси эса 38,3 фоизга пасайди. Ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши банк кредитларининг қисқариши, реал ишлаб чиқариш рискларининг ортиши билан бирга кечди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва рискларнинг ортиши, ўз навбатида, инвестицияларни, шунингдек, импорт товарларига бўлган талабнинг камайишига олиб келди. Жаҳонда нефть ва хомашёларга бўлган баҳоларнинг пасайиши ушбу товарларни экспорт қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини оғирлаштирди, импорт қилувчи давлатларга эса ижобий таъсир қилиб, инқироздан кўрилган талофатларни юмшатиш имконини берди.

АҚШда инқирозга қарши чоралар Ж.Буш маъмурияти даврида Полсоннинг инқирозга қарши режаси (The Troubled Asset Relief Program, TARC) шаклида ишлаб чиқилди. Полсон режаси муаммоли банк активларини сотиб олишга 700 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий маблағлар ажратишни кўзда тутарди. 2009 йилнинг март ойига келиб AIG ни (American Insurance Group) банкротликдан қутқариш учун давлат хазинасидан 170 млрд. АҚШ доллари сарфланди.

2009 йилнинг январь ойида эса Молия вазирлиги Bank of America га унинг имтиёзли акцияларига айирбошлаш эвазига 20 млрд. АҚШ доллари ажратишни, шунингдек, умумий суммаси 118 млрд. АҚШ доллари миқдорида банк активларига давлат кафолатини беришни эълон қилди. Бундан ташқари, инқирозга қарши чоралар доирасида мамлакатнинг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялари GM ва Chrysler мос равишда 13,4 ва 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит олишди. Таъкидлаш лозимки, Полсон режаси ишлаб чиқилгунга қадар ҳам давлат томонидан йирик ипотека агентликларини қутқариш чоралари кўрилганди. 2008 йилнинг сентябрь ойида АҚШ ипотека бозорининг (12 трлн. АҚШ доллари) қарийб ярмини назорат қилувчи Freddie Mac ва Fannie Mae ипотека агентликлари давлат томонидан миллийлаштирилди. Ушбу ипотека агентликларининг имтиёзли акцияларини харид қилишга АҚШ солиқ тўловчиларининг 238 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари сафарбар этилди. Кейинчалик Президент Б.Обама бошчилигида инқирозга қарши янги дастур ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ Конгресс 787 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги молиявий кўмакни тасдиқлади. Полсон режаси бўйича маблағлар қолдиғи ҳисобга олинадиган бўлса, умумий сумма 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди.

АҚШ Президенти Б.Обаманинг 2009 йилнинг феврал ойида тасдиқланган инқирозга қарши чоралар Дастури Американи тиклаш ва қайта инвестициялаш Режаси номи билан ҳам юритилиб, 3 йил муддатга, яъни 2011 йилгача ишлаб чиқилган.

Обама режасида кўзда тутилган чора-тадбирлар:

- 3 млн. иш жойларини сақлаб қолиш ва ташкил этиш;
- соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш;
- муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва 3 йил мобайнида унинг ҳажмини икки ба-раварга ошириш;
- федерал мулкка тааллуқли бўлган (мактаблар билан бирга) бино-иншоотларнинг 75 фоизини ва 1 млн. хусусий уйларни таъмирлаш;
- 7 млн. талабалар учун грантлар тизимини молиялаштириш ҳажмини ошириш, таълим учун тўловлар бўйича солиқпарни камайитириш;

- инфратузилмага кенг қўламли инвестицияларни амалга ошириш, хусусан, йўллар, кўприklar, жамоат транспорт тизимини қуриш ва қайта таъмирлаш, темир йўл ва аэропортларни модернизациялаш;

- солиқлардан озид қилиш (солиқ кредитлари), солиқ ставкасини пасайтириш орқали уй хўжаликларининг тўлов қобилиятини ошириш;

- етарли даражадаги шаффофлик, мониторинг ва жавобгарлик даражасини таъминлаш имконини бериши лозим.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида оғир ижтимоий ва итқисодий талофатларсиз инқироздан чиқиб кетган давлатлардан бири бу Хитойдир. Хитой иқтисодиётини модернизациялашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- давлат корхоналарини сақлаб қолиш ва юқори технологик тараққиётни белгиловчи янги корхоналарни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш;

- Хитой иқтисодиётини модернизациялаш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияни жалб этишга асосланган;

- Хитойликлар Ғарб технологиясини ўрганиб, мамлакатда инновацион нусха кўчиришнинг стратегиясини амалга оширдилар. Мамлакатда электротехника маҳсулотлари, ускуналари ва автомобиллар ишлаб чиқарувчи Ғарб корхоналари пайдо бўлганидан 3 - 5 йил ўтгандан сўнг худди шундай товарлар ишлаб чиқарувчи хитой корхоналари вужудга келди;

- мамлакат товарларини жаҳон бозорига олиб чиқишни қўллаб-қувватлаш орқали модернизация самарадорлиги оширилди. Охирги 10 йил мобайнида Хитойда саноат маҳсулотлари экспорти ҳажми 7,4 марта ўсди;

- 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Хитойдаги модернизациялаш лойиҳаларининг аксарият қисми инфратузилмани ривожлантиришга қаратилди.

Жаҳон молиявий инқирози Европа Иттифоқи мамлакатлари банк-молия тизимига ҳам жиддий таъсир ўтказди. Бунга жавобан Европада банкларни қутқариш чоралари кўрилди. Г.Браун бошчилигидаги Англия ҳукуматининг инқирозга қарши чораларида банк тизими устидан кучли давлат назоратини таъминлаш асосий бўғинга айланди. Браун дастури (510 млрд. АҚШ доллари) 290 млрд. доллар микдоридаги маблағларни Британия банклари муаммоли активларини сотиб олишга, 220 млрд.

долларни эса банкларнинг қайта капиталлашувига, кредитлаш, инвестиция ва истеъмол талабини қўллаб-қувватлашга сафарбар этишни кўзда тутди.

Буюк Британияда инкирозга қарши чоралар доирасида давлатнинг банк капиталидаги улуши дастлаб Northern Rock Bank ипотека банкида, сўнгра Bradford & Bingley да оширилди. Кейинчалик эса мамлакатдаги иккинчи йирик банк Royal Bank of Scotland (RBS) да давлатнинг улуши 58%дан 70%га, Lloyds Bank Group 40% дан 45% га оширилди. Бироқ бу каби чоралар доимо ҳам барқарорликни кафолатлай олмайди. RBS 11,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида рекорд даражадаги зарар кўрганини эълон қилгач, унинг акциялари курси 67 фоизга пасайди.

АҚШ, Швейцария, Германия, Исландия ва бошқа давлатлар Буюк Британия "моделли"га эргашдилар. Германия ҳукумати банкротлик таҳдид солаётган банкларни миллийлаштиришни қўллаб-қувватлади. Чунки Германиянинг биргина Hipo Real Estate банки акциялари 89 фоизга қадрсизланиб улгурганди. Йирик банклардан Aareal ва Commerzbank нинг капиталлашуви мос равишда 21 ва 42 фоизга камайди. Канцлер А.Меркель 2009 йилнинг февраль ойида зарурат туғилганда вақтинчалик муаммоли банкларни миллийлаштириш йўлидан бориш мумкинлигини ҳам маълум қилди. Кўчмас мулк бозорида фаолият юритадиган Hipo Real Estate Holding AG ипотека банкини қутқариш учун Германия ҳукумати 60 млн. евро эвазига банкнинг 8,7 фоиз акцияларини сотиб олди. Бунга қадар эса 2008 йилда ушбу банкни қўллаб-қувватлаш учун 62 млрд. евро ажратилган эди.

Бундан ташқари, 2009 йилнинг март ойида Германия ҳукумати "топ-менежерлар"нинг меҳнат ҳақини чеклашга доир янги қоидаларни тасдиқлади. Бундан буён раҳбариятни мукофотлаш улар томонидан бошқарилаётган акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли муваффақиятига боғлиқ равишда амалга оширилади. Энди бошқарув аъзолари мукофотлашнинг бир қисми бўлган ўз ихтиёридаги акцияларини уларни олгандан сўнг 4 йил ўтгачгина сотишлари мумкин (инкирозга қадар бу 2 йил эди). Янги автомобилни харид қилишдаги компенсация миқдори икки бараварга камайтирилди. Инкирозга қадар автоулов эгаси янги автомобилни харид қилишда 9 йилдан ортиқ фойдаланилган автомобилни топшириб, давлатдан 2500 евро олиш имкониятига эга эди. Таъкидлаш лозимки, Германияда ишлаб чиқарувчи компанияларга давлат томонидан тўғридан-тўғри молиявий кўмак бериш амалиёти

АҚШ даги каби кенг кўламда амалга оширилмади. Хусусан, 2009 йилнинг март ойида АҚШнинг General Motors компаниясига тегишли машҳур немис автомобиль ишлаб чиқарувчиси Opel концернининг тўғридан-тўғри молиявий ёрдам сўраб қилган мурожаати рад этилди. Бу ҳолатни Германия ҳукумати 3 млрд. евро миқдоридаги молиявий ёрдам ажратилган тақдирда ҳам мамлакатда иш жойларини сақлаб қолишни кафолатлаб бўлмаслиги билан изоҳлади. Зеро, молиявий кўмак сифатида ажратилган пул маблағлари АҚШ томон йўналиш олиши мумкин эди. Франция ҳукумати мамлакатнинг муҳим аҳамиятга эга етакчи компанияларини қўллаб-қувватлаш йўлидан борди. 2009 йилнинг февраль ойида мамлакатнинг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи корпорациялари PSA Peugeot Citroen ва Renault га молиявий кўмак берилди. Корпорациялар банк кредит ставкалари 11-12 фоиз атрофида бўлган шароитда 6-7 фоиз ставкасида 6 млрд. евро миқдорида молиявий маблағларни оладиган бўлишди. Бунга жавоб тариқасида корпорациялар заводларини ёпмасликни кафолатлаш, кредитлар бўйича тўловлар вақтига қадар ходимлар сонини қисқартиришдан воз кечиш, дивидендлар ва раҳбарият мукофотларини қисқартириш мажбуриятини олишди.

Европада инқирозга қарши молиявий кўмак ҳажми дастлаб 600 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди, бироқ инқироз суръатларининг ошиши натижасида у 1,5 трлн. АҚШ долларига етди. 2009 йилнинг якунига келиб глобал молиявий инқироз шароитида Европа Иттифоқи учун янги муаммолар ва синовлар даври бошланди. Бу ерда гап Греция давлатидаги бюджет инқирози ҳақида кетмоқда. 2009 йилнинг якунига келиб Грецияда бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 12 фоиздан ошди. Айни пайтда, давлат қарзи Грецияда 110 фоиздан ошган эди. Бундай шароитда Греция ҳукумати қарзларни қайта молиялаш ва дефицитни қоплаш учун молиявий ресурсларни жалб қилишда қийинчиликларга юз тута бошлади. Албатта, бунда Европа Иттифоқининг беминнат ёрдамини кутиш амри маҳол. Бироқ Иттифокқа аъзо бўлиш учун Маастрихт келишувида ифодаланган талаблардан бири - давлат бюджети дефицити ЯИМнинг 3 фоизидан ошмаслиги бўлиб, Грециянинг Иттифокда қолиши унинг бюджет инқирозидан қай суръатда чиқиб кетишига боғлиқ бўлиб қолади. Айни пайтда, бу нафақат Грециянинг муаммоси, балки бутун Иттифок барқарорлиги ва ҳаётийлигини таъминлай олиш муаммоси саналади. Чунки Евроҳудудда фискал

муаммо тез суръатларда ва самарали бартараф этилмаса, Иттифоқнинг келажаги ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Евроҳудуднинг 16 давлати молия вазирларининг музокараларидан сўнг Грецияга уч йил муддатга 110 млрд. Евро миқдорида ёрдам пакети ажратиладиган бўлди. Албатта, Европа Иттифоқи томонидан Грецияга кўрсатиладиган ёрдам оддий кредитдан бошқа нарса эмас. Аммо ажратиладиган кредитнинг фоиз ставкаси бозордаги мавжуд ставкадан пастроқ бўлади (қарийб 5 фоиз атрофида). Грецияга ажратиладиган ёрдам пакетида Евроҳудуднинг улуши 80 млрд. Еврони ташкил этиб ёрдамнинг қолган қисми (30 млрд. евро) ХВФ томонидан жорий йилда ажратиладиган бўлди. ХВФ ушбу қарорни Евроҳудудни қутқариш чораси эканлигини эътироф этди. Бунга жавобан греция ҳукуматидан меҳнат ва пенсия қонунчилигини эркинлаштириш талаб этилмоқда. Чунки, ушбу чоралар яқин икки йил мобайнида бюджет дефицитини 20 млрд. еврога қисқатириш имконини беради.

II-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг амалий таҳлили.

2.1 Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш жараёнларининг таҳлили

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармони бу соҳада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар негизида замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш борасида юксак натижаларга эришилмоқда.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича қўрилган мақсадли чора-тадбирлар самарасида банкларнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти кенгайиб бормоқда. Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича мамлакатимизда жорий этилган ўзига хос ноёб механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, бундай корхоналарда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирга қадар тижорат банклари балансига берилган 147 банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди. Қайд этиш керакки, банклар томонидан

бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 160 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, қарийб 22 минг иш ўрни ташкил қилинди. Қайта тикланган корхоналарда 460 миллиард сўм ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий қиймати 165 миллион доллардан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинди. Банклар инвестициялари ҳисобига фаолияти қайта тикланган, технологик жиҳатдан янгиланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ тортиши табиий, албатта. Банклар томонидан янги инвесторларга ана шундай 64 корхонанинг 663 миллиард сўмга сотилгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирларига оид фармони ижроси доирасида 65 банкрот корхона банкимиз балансига қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида ушбу корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун 38,1 миллиард, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун 26 миллиард, жами 64,1 миллиард сўм инвестиция киритилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 44 корхонада ишлаб чиқариш тикланди, 19 корхона янги мулкдорларга сотилди, бир корхона негизида қўшма корхона ташкил этилди. Банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фаолияти тикланган корхоналарни инвесторларга сотишни ташкил этиш мақсадида “NBU Investment” ва “NBU Invest Group” шўба компаниялари таъсис этилди.

Мазкур компаниялар тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналарида, чарм, мўйна, поябзал, кабел-сим, целлюлоза-қоғоз, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватларда самарали бошқарувни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ёрдамида фаолияти қайта тикланган корхоналарда 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 5,8 мингдан зиёд

иш ўринлари яратилган, улар томонидан 136,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 43,2 миллион АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилинган*.

“Ўзбек қоғози” очик аксиядорлик жамияти банк балансига ўтказилгач, унинг негизида “Тошкент қоғози” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 2010 йилнинг июлидан бу ерда ишлаб чиқариш қайта тикланди. Корхонада маҳсулот тайёрлашни қайта йўлга қўйиш учун 2 миллиард 128 миллион сўмлик инвестиция киритилди. Шунинг ҳисобидан бино ва иншоотлар, асбоблар таъмирланди ва янгилари келтирилди. Энг муҳими, 335 киши иш билан таъминланди. Ўтган давр мобайнида асосан маҳаллий хомашёдан 3 миллиард сўмликдан зиёд қоғоз ва картон, ёзув дафтарлари, толали плиталар каби бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхона қувватини янада ошириш ва тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш мақсадида мавжуд технологик линияларни модернизация қилиш ва янги ускуналар келтириш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Жорий йилда бу ерда яна қўшимча 100 иш ўрни ташкил этиш, 11 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган фармони асосида банкрот корхоналарни соғломлаштириш борасида яратилган механизм яна бошқа кўплаб корхоналар мисолида ҳам ўз самараларини намоён этмоқда. Экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, минглаб одамлар доимий даромад манбаига эга бўлмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

2009 йилда ҳам корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. 2009 йилда Республикамиз бўйича жами 338 та корхона тугатиш жараёнида бўлган бўлса, шундан 189 таси тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар, 70 таси сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар, 12 таси тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар ҳамда йил якунига тугатишга қолган корхоналар сони 67 тани ташкил қилган (1-жадвал).

* www.nbu.uz интернет сайти маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

**2009 йилда мулки мавжуд бўлган банкрот-корхоналарни тугатишда янги
йўналишларнинг берган самараси***

№	Ҳудудлар	Жами тугатиш жараёнида бўлган корхоналар сони	Тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар сони	Сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар сони	Тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар сони	Йил якунига тугатишга қолганлар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	42	36	0	2	4
2	Андижон вилояти	31	16	5	2	8
3	Бухоро вилояти	10	4	4	0	2
4	Жиззах вилояти	28	20	0	0	8
5	Қашқадарё вилояти	36	22	7	1	6
6	Навоий вилояти	9	3	3	1	2
7	Наманган вилояти	28	14	8	1	5
8	Самарқанд вилояти	12	4	3	1	4
9	Сурхондарё вилояти	29	19	5	0	5
10	Сирдарё вилояти	3	3	0	0	0
11	Тошкент вилояти	11	2	5	0	4
12	Фарғона вилояти	11	2	2	3	4
13	Хоразм вилояти	63	34	21	0	8
14	Тошкент шаҳри	25	10	7	1	7
	Жами	338	189	70	12	67
	2007 йил	308	104	-	-	204

* www.antimon.uz интернет сайти маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадикки, ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Хоразм вилоятига тўғри келмоқда. Хоразм вилоятида жами 63 та корхона тугатиш жараёнида бўлган бўлса, шундан 34 таси тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар, 21 таси сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар ҳамда йил якунига тугатишга қолган корхоналар сони 8 тани ташкил қилган.

2009 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 42 та корхона тугатиш жараёнида бўлган бўлса, шундан 36 таси тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар, 2 таси тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар ҳамда йил якунига тугатишга қолган корхоналар сони 4 тани ташкил қилган. Андижон вилояти бўйича жами 31 та корхона тугатиш жараёнида бўлган бўлса, шундан 16 таси тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар, 5 таси сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар, 2 таси тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар ҳамда йил якунига тугатишга қолган корхоналар сони 8 тани ташкил қилган. Қашқадарё вилояти бўйича жами 36 та корхона тугатиш жараёнида бўлган бўлса, шундан 22 таси тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар, 7 таси сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар, 1 таси тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар ҳамда йил якунига тугатишга қолган корхоналар сони 6 тани ташкил қилган. Наманган вилояти бўйича жами 28 та корхона тугатиш жараёнида бўлган бўлса, шундан 14 таси тугатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар, 8 таси сотилган ёки банклар балансига берилган корхоналар, 1 таси тижорат банкларига сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар ҳамда йил якунига тугатишга қолган корхоналар сони 5 тани ташкил қилган.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни

қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.


Маълумки, 2009 йилда мамлакатимизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш шулар жумласидандир (1-расм).

2010 йилда пахта толаси экспорти 1 миллиард 478,6 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 46% га ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 2010 йилда 1 миллиард 260,6 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 77%га ошган. Кимё маҳсулотлари ва улардан ишланмалар экспорти 2010 йилда 1 миллиард 176,5 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 77% га ошган. Энергия узатиш ва нефт маҳсулотлари экспорти 2010 йилда 660 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан қарийб 13% га ошган. Қора ва рангли металллар экспорти 2010 йилда 3 миллиард 234,7 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 20%га камайган.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб қувватлаш чоралари*.

Асбоб-ускуналар экспорти 2010 йилда 894,1 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 52,7 %га ошган. Хизматлар экспорти эса 2010 йилда 723,2 миллион долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 114,2 %га ошган бошқа сўз билан айтганда 2 баробардан кўпга ошган. Бошқа маҳсулотлар экспорти 2010 йилда 3 миллиард 616, 8 миллион долларни ташкил этиб ва бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 14,7 %га ошган. Шундай қилиб 2010 йилда мамлакатимизда барча маҳсулотлар ва хизматлар бўйича экспорт ҳажми 13 миллиард 44,5 миллион долларни ташкил этган ва бу 2009 йилга нисбатан 10,8 %га ошган. Мамлакатимизда бу каби экспорт ҳажмининг ошиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири

* Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номи маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010 й.

бўлиб, улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, уларни кредитлаш ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг кредитлари кичик бизнес субъектларининг жорий ва инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларга эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги Қарорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур Қарорга мувофиқ, республикада тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитлар ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 мартага ошириш вазифаси қўйилди.

Қуйидаги 2-жадвал маълумотлари орқали республикада тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитларнинг динамикасига баҳо берамиз.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2006-2010 йилларда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва микрокредитлар миқдорлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, улар фаолиятини кредитлаш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитларнинг яратилганлиги, давлат томонидан уларни молиялаштиришни фаол қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида “Микрокредитбанк”нинг ташкил этилиши ва давлат томонидан унинг ресурс

базасининг мустаҳкамланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банклар томонидан берилган кредитлар ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим рол ўйнади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитларнинг динамикаси*

	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши
	2006	2007	2008	2009	2010	
Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар, млрд. сўм	547,4	743,7	1250,7	1851,7	2690,2	4,9 марта
Шу жумладан:						
Микрокредитлар, млрд. сўм	64,9	110,0	202,5	322,1	485,0	7,5 марта


Хусусан, давлат маблағлари ҳисобидан Микрокредитбанкнинг устав капитали амалдаги 72 млрд. сўмдан 150 млрд сўмга етказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг республика бюджети даромадига йўналтириладиган фойдаси ҳисобидан йиллик 2 % ставка бўйича 10 йиллик муддатга ҳар йили 10 млрд. сўм миқдорида ссудалар берилмоқда.

Юқорида эътироф этилган тадбирларнинг натижаси ўларок, Микрокредитбанкнинг кичик бизнесни кредитлашдаги роли сезиларли даражада ошди. 2010 йилнинг 31 декабр ҳолатига, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг 19,5 фоизи “Микрокредитбанк”нинг ҳиссасига тўғри келди*. Сўнгги йилларда республикада макроиктисодий монетар индикаторларнинг барқарор даражасини таъминлашга муваффақ

* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

бўлинганлиги банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг баҳоларини барқарорлаштириш имконини берди.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, инфляция ва монетизация коэффициенти даражаси, %

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2004-2010 йилларда республикамызда Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг барқарор даражасини сақлаб туришга муваффақ бўлинди. Шунингдек, инфляциянинг йиллик прогноз кўрсаткичларини таъминлашга муваффақ бўлинмоқда. Бу эса, кичик бизнес субъектларига банклар томонидан берилаётган кредитларнинг баҳоларини барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутди. Лекин, монетизация коэффициенти нисбатан паст даражада қолмоқда. ХВФ экспертларининг тавсиясига кўра, монетизация коэффициенти камида 30 % бўлиши керак.

2.2 Иқтисодий ночор корхоналарни қайта таркиблаш жараёнларининг амалдаги ҳолати таҳлили

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналарда янги бошқарув тизимларини жорий этиш, инқирозга қарши молиявий бошқарувни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини узлуксизлигини таъминлаш,

керак бўлса корхоналарни қайта таркиблаш (рееструктуризациялаш) ни амалга ошириш лозим бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистондаги кўплаб саноат корхоналари олдида молиявий барқарорликка эришиш, рақобатбардошликни таъминлаш, динамик тарзда ўзгараётган ташқи муҳит шароитларига мослашиш механизмини шакллантириш вазифалари турибди. Корхоналар банкротлигини олдини олишнинг муҳим тадбирларидан бири бу реструктуризациялаш ҳисобланади. Корхонани қайта таркиблаш (реструктуризациялаш) – бу табиий жараён бўлиб, корхонанинг янги шароитга мослашишга ва молиявий-иқтисодий соғломлаштиришга йўналтирилган чора тадбирлар мажмуасидир. Бу жараён корхона менежментлари, мулк эгалари, ёки кредиторлар томонидан, корхонани янгилаш ва соғломлаштириш мақсадида, корхонанинг келажакда ўрнини белгиловчи мақсадларидан келиб чиқиб, олиб борилади.

Қуйида, биз корхоналарни реструктуризациялаш жараёнлари мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар мисолида таҳлил қилиб чиқамиз. Корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб чиқамиз:

1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини реструктуризация қилиш ва таннархини оптималлаштириш. Маҳсулот ишлаб чиқариш турларининг ҳар бирини алоҳида фойдалиқ даражасини ёки зарар кўриш эҳтимолларини таҳлил қилиш, маркетингни ўрганиш. (ТТЗ мисолида амалий тажриба);

2. Менежментни реструктуризация қилиш. Бу йўналишлар барча реструктуризация жараёнларни оптимал ўтказилишида муҳим омил бўлади. Замонавий менежмент – компания (бизнес)ни бошқарув тақдирини ҳал қилади, структурасини белгилайди. (Электр таъминоти ва савдоси мисолида амалий тажриба);

3. Мавжуд фойдаланилмаётган қувватларини таркибий ўзгартириш. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ортиқча активларни (бино, иншоот ва

ускуналар) ҳисобдан чиқариш, сотиш ёки янги хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, ортиқча харажатларга барҳам бериш;

4. Мавжуд ортиқча ер майдонларини реструктуризация қилиш. Ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этмайдиган, ортиқча ер майдонларини аниқлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш, ортиқча сарф-харажатларни тугатиш;

5. Ижтимоий соҳа объектларини реструктуризация қилиш. Компаниянинг балансида мавжуд бўлган ижтимоий соҳа объектларини сотиш, ижарага бериш ёки тегишли тартибда маҳаллий ҳокимият балансига ўтказиш, ортиқча сарф-харажатларни тугатиш;

6. Молиявий ҳолатини реструктуризация қилиш. Компаниянинг қарзларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича кредиторлар билан келишиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28-ноябрдаги ПФ-4058 сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонида асосан:

1. Корхоналарни таркибий ўзгартириш ва таннархни энг камида 20% га пасайтириш;

2. Иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш орқали соҳага замонавий менежмент тизимини жорий қилиш, рақобатлаша оладиган соҳаларни ажратиб чиқариш ва хусусий тадбиркорликни кириб келишига имконият яратиш вазифаси туради.

Ушбу Фармонда белгилаб берилган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда Тошкент Трактор Заводида (ТТЗ) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини 20% га камайтириш бўйича амалий тажрибани кўриб чиқамиз. Ушбу корхонанинг молиявий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула орқали мақсадли таннархни ҳисоблаб чиқилади.

$$\begin{array}{ccccc} \text{Бозордаги} & & \text{Зарурий} & & \text{Мақсадли} \\ \text{рақобатбардош} & - & \text{фойда} & = & \text{таннарх} \\ \text{нарх} & & & & \end{array}$$

ТТЗ да маҳсулот таннархини камайтириш амалиётини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилиб чиқамиз (3-жадвал).

3-жадвал

**ТТЗ да маҳсулот таннархини оптималлаштиришда қўлланилган
усуллар
(2009 йил ҳолатига)***

т/р	Оптималлаштириш усуллари	Фоиз ҳисобида (%)
1	Импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш	- 24
2	Материаллар сарфи нормаларини қайта кўриб чиқиш	-0,06
3	Локализация даражасини кўпайтириш орқали таннархни камайтириш	-1
4	Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш	-0,05
5	Фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш	-2
6	Ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш	-0,3

Жадвал маълумотларидан кўринадики, импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш 24 %га, материаллар сарфини 0,06 фоизга, локализация даражасини кўпайтириш орқали таннархни камайтириш 1 фоизга, маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш 0,05 фоизга, фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш 2 фоизга ҳамда ишчи ва ходимлар сонини камайтириш ҳисобига 0,3 фоизга таннархни пасайтириш амалга оширилган. Корхонада юқоридаги амалга оширилган ишлар натижасида тракторлар таннархи 17 % га ҳамда прицеплар таннархини 22 % га пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Табиий монополия корхоналарини таркибий ўзгартириш натижасида:

- соҳага замонавий менежмент тизими жорий қилинмоқда;
- тармоқда рақобатни ривожлантиришга имконият бермоқда;
- хусусий тадбиркорликни кириб келиши учун қулайлик яратилмоқда.

* www.antimon.uz интернет сайти маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

Корхоналарда банкротликка қарши курашиш механизмини ёки реструктуризациялаш жараёнларини “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналари мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

Бугунги кунда “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компаниясидаги тизимида 113 та корхона, шундан 69 та йигирув ва тўқув, 14 трикотаж ва 30 тикув соҳасида фаолият юритмоқда. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси тизимидаги корхоналарда 75146 та ишчи хизматчилар ишламоқда, шундан 59086 та йигирув ва тўқув, 4407 трикотаж ва 8859 та тикув корхоналарида фаолияти юритмоқда. Компания корхоналари томонидан охириги 3 йил давомида 1089,5 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, ҳамда 646,1 млрд.сўм экспорт қилинган, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг асосий қисми йигирув ва тўқув корхоналарига тўғри келмоқда. Умумий олганда компания тизимидаги корхоналар охириги 3 йилда 50,3 млрд.сўм зарар билан яқунлаган, 2007 йилда 8,4 млрд.сўм, 2008 йилда 23,1 млрд.сўм ва 2009 йилда эса 19,1 млрд.сўмни ташкил қилган. Бу зарар миқдорлари асосан йигирув ва тўқув корхоналарига тўғри келмоқда. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси тизимидаги корхоналар томонидан давлат бюджетига охириги 3 йил давомида 55,2 млрд.сўмлик мажбурий тўловлар тўланган. Компания тизимидаги корхоналарнинг мажбуриятлари йилдан йилга ошиб бормоқда ва тўловчанлик қобилияти тушиб бормоқда.

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси тизимидаги корхоналарининг асосий кўрсаткичлари келтирилган маълумот қуйидаги жадвалда берилган (4-жадвал).

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси тизимидаги корхоналарнинг молиявий ҳолати кўплаб омилларга боғлиқдир. Ҳар бир тармоқ ичида корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда енгил саноати тизими бўйича умумий баҳо берилади ва ушбу параграфда сўз юритиладиган, ўрганиб чиқилган корхоналар мисолида алоҳида омилларнинг фаолият натижасига таъсири ўрганилади.

4-жадвал

**“Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси тизимидаги
корхоналарнинг иқтисодий ночорлик ва зарарлилик даражаси***

Тармоқлар	Иқтисодий ночор ва зарар кўраётган корхоналар улуши (%)		
	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Йигирув –тўқув	10,9	12,1	26,0
Тикув	7,1	21,4	14,2
Трикотаж	4,5	11,1	6,6
Жами	8,8	13,3	19,4

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “Ўзенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси тизимидаги корхоналарнинг молиявий иқтисодий ҳолатлари охириги йилларда бир текисда эмас, балки корхоналарнинг иқтисодий ночорлик ва зарар билан фаолият юритиш rischi ошиб бормоқда. Енгил саноати корхоналарнинг тахминан 15-20% ҳар йили иқтисодий ночорлик ва зарарлилик муаммосига дуч келишади, тармоқлар ичида нисбатан зарарлиликнинг юқори даражаси йигирув-тўқув ишлаб чиқаришда кузатилмоқда (26%). Буни қуйидаги таҳлилларда кўриш мумкин.

Кейинги йилларда иқтисодий ночор ва зарар кўраётган корхоналарнинг 2 баробарга ошиш тенденцияси характерли бўлишига қарамасдан фойда (соф тушум) ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда (5-жадвал).

Зарар суммаси йигирув-тўқув тармоғида ошмоқда, бу эса асосан хом ашё ресурсларига нархларнинг ўзгаришига боғлиқдир. 2009 йилда умумий зарар суммаси 45,8 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 1,5 марта, 2007 йилга нисбатан 4,8 марта кўп деганидир. Зарарлилик даражаси мос равишда 2007 йилда 3%дан, 2007 йилда 10% гача ошган. Маҳсулот сотишнинг умумий ҳажмида асосий ҳиссали, зарарли ҳисобланган тўқув-йигирув ишлаб чиқариши (90%) ни эгаллайди. Тикув ва трикотаж ишлаб

* Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва Статистика давлат қўмиталари маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

чиқариш умуман олганда рентабелли ҳисобланади. Буларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин. Сотилган маҳсулот рентабеллиги даражаси тахлили қуйидаги расмда ҳам яққол кўриниб турибдики, асосий зарарлилик ҳолати йигирув –тўқув корхоналарига тўғри келмоқда.

5-жадвал

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси
тизимидagi корхоналарнинг фойдалилик даражасини баҳолаш*

Тармоқлар	Соф тушум (млрд.сум)			Умумий молиявий натижа фойда (+) ёки зарар (-) (млрд.сум)			Сотилган маҳсулот рентабеллиги (%)		
	2007 йилга	2008 йилга	2009 йилга	2007 йилга	2008 йилга	2009 йилга	2007 йилга	2008 йил	2009 йилга
Йигирув – тўқув	299,8	387,4	420,7	-9,7	-31,5	-45,8	-3,0	-8,1	-10,8
Тикув	4,9	8,9	15,4	0,4	3,5	9,6	8,1	39,3	62,3
Трикотаж	7,2	12,5	26,0	0,2	4,8	17,1	2,7	38,4	65,7
Жами	312,0	408,8	462,3	-8,7	-31,5	-19,1	-2,7	-5,6	-4,1

Йигирув-тўқув корхоналарининг сурункали зарар кўриши, корхона молиявий имкониятларининг кучсизланишига олиб келади, бунга тўлов қобилияти кўрсаткичлари асосдир. Изланишлар кўрсатишича, енгил саноати ликвидлилиги даражаси етарлича паст ва пасайиш тенденциясига эга. 2009 йил ҳисоб-китоблари кўрсатишича ликвидлилик коэффициенти 0,78 ташкил этган, яъни нормадан 0,22 кам (6-жадвал).

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики 2009 йил якунига кўра енгил саноати корхоналарида 45,6 млрд.сўм айланма ативлар етишмовчилиги, қисқа муддатли мажбуриятлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда амалга ошириш қобилияти 0.78 ни ташкил қилмоқда. Ликвидлилик, яъни қисқа муддатли мажбуриятлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда амалга ошириш қобилияти нуқтаи-назаридан йигирув-тўқув корхоналарининг 65% паст ликвидли ҳисобланади. Деярли барча йигирув

* Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва Статистика давлат қўмиталари маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

тўқув ишлаб чиқариш корхоналарида тўлов қобилияти паст даражада ва бунга қисқа муддатли активларни айланма активларнинг қопламаслиги асосдир.

Енгил саноат корхоналари заралилигининг асосий омилларини беш гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Хом-ашёга боғлиқлилик ва хом-ашёни чуқур қайта ишлашнинг йўқлиги;
2. Айланма маблағларнинг етишмаслиги;
3. Ишлаб чиқариш қувватининг пастлиги ва ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси;
4. Молиявий харажатларнинг юқорилиги;
5. Тармоқ корхоналарига кўзда тутилган имтиёзларнинг тўлиқ реализация қилинмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 38 сонли қарорига асосан енгилсаноат корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш ва қайта техник ускуналарни алмаштиришни амалга ошириш бўйича «Ўзбекенгилсаноат» ДАК дастурига кирувчи корхоналар ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган технологик ва ёрдамчи ускуналар, технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмларга божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган. Ушбу имтиёзни амалга оширишда корхона ишлаб чиқаришни модернизациялаш даври харажатларини сезиларли даражада қисқартириш имконига эга бўлади. Бироқ ушбу имтиёз божхона постларининг юқори ташкилотларидан зарур кўрсатмаларни олмаганликлари сабабли ҳам амалга ошмаяпти. Натижада кўпгина лойиҳаларни амалга ошириш кўрсатилган муддатлардан анча кечикмоқда. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирувчи янги корхоналарнинг Ҳукумат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланишда қийинчиликлар ҳам мавжуд. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига киришини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатилганидан кейин ҳам божхона органлари, бўш маблағлар тармоқ корхонасини қайта техник жиҳозлар ва модернизация учун мақсадли фойдаланилиши Ҳукумат қарорлари билан белгиланган

бўлишига қарамасдан, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган химикатлар, ранглар, фурнитура ва аксессуарлар ва бошқа ёрдамчи материалларни божсиз олиб киришга рухсат беришмаяпти. Бу эса қўшимча айланма маблағларни жалб қилишга олиб келади ваҳоланки, корхона бу маблағларни иқтисод қилиши ва ўзини кейинчалик ривожлантиришга сарфлаши мумкин эди.

Енгил саноат тармоғи корхоналарини таҳлил қилиш ва ўрганишда уларнинг тўлов қобилияти ва ишлаб чиқариш салоҳиятини тиклаш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- пахта толасига нархни шакллантиришни такомиллаштириш.

пахта толасининг нархини мамлакатимизнинг барча корхоналарига, хорижий инвестор ҳиссаси бор-йўқлигидан қатъий назар, бир хил нархда сотиш лозим. Бу мамлакатимиз енгил саноат корхоналари учун тенг рақобат шароитларини яратиб беради ва техник жиҳатдан орқада қолган корхоналарнинг ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришларига тўртки бўлади;

- енгил саноати корхоналарида солиқ тўловларини камайтириш. Биринчи навбатда, тармоқнинг кўп меҳнат талаб қилишини ҳисобга олиб, иш ҳақиға солинадиган солиқни (ижтимоий тўловлар ва даромад солиғи) сезиларли даражада қисқартириш, тармоқни экологик солиқдан озод қилиш, чунки тармоқ атроф-муҳитни ҳеч қандай ифлослантирмайди. Солиқ кодексида кўзда тутилган ҚКСни қайтаришни тўлиқ таъминлаш алоҳида ўринни тутди.

- қайтарилмайдиган кредитор қарзларга эға бўлган енгил саноати корхоналарининг банкротлиги тадбирларни тезлаштириш ва кейинчалик бу корхоналарни янги мулк эғаларига сотишни амалға ошириш. Бу механизм орқали корхона умидсиз қарзларни тўлашдан озод этилади, ишлаб чиқаришнинг соғлом циклини янгилаш, мулк солиғини камайтириш орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини камайтириш имконига эға бўлинади (корхона мулкни реал қийматига қадар тушириш ва таннархдан олдинги олинган кредитларни қайтариш харажатларини чиқариб ташлаш).

Шу билан биргаликда хусусийлаштириш чоғида кўпгина корхоналар акциялари пакетлари, корхонада ишлаб чиқариш циклини тиклаш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш имконига эга бўлмаган мулкдорлар кўлига тушди. Банкротлик механизми орқали иктисодий ночор ва зарар билан ишлаётган корхоналар мулкдорларини алмаштириш масаласини ҳал қилиш мумкин.

- корхонанинг молиявий ҳолати таркибини қайта ўзгартириш.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўпчилик енгил саноати корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттириш учун айланма маблағлари етарли эмас. Бунда уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун кредит ажратиш ва кейинчалик корхона ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилади.

Бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган кўпчилик корхоналарда молиявий харажатларнинг (фоизлар ва кредит бўйича курс фарқи) юқорилиги сабабли, зарар кўриб ишлаш кузатилмоқда. Кредитларни тўлаш муддатини камида 10-15 йилга узайтириш, ёки бундай корхоналарни кредитни қайтариш шарти билан потенциал инвесторга сотиш орқали қайта ўзгартириш.

Енгил саноат маҳсулотлари бозорини сифатли маркетинг таҳлилини ташкил қилиш. Корхонанинг маркетинг хизматини кучайтириш, дунё енгил саноат бозорларини чуқур ўрганиш ва маҳсулотлар таркибини ўзгартириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқариш тадбиқ қилиш.

III-боб. Инқироз шароитида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш усуллари тақомиллаштириш йўллари.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатидан рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқироzi оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади.

Аввал таъкидлаб ўтканимиздек, корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг асосий усулларида бири бу реструктуризациялаш ҳисобланади. Корхонани қайта таркиблаш (реструктуризациялаш) – бу табиий жараён бўлиб, корхонанининг янги шароитга мослашишга ва молиявий-иқтисодий соғломлаштиришга йўналтирилган чора тадбирлар мажмуасидир. Бу жараён корхона менежментлари, мулк эгалари, ёки кредиторлар томонидан, корхонани янгилаш ва соғломлаштириш мақсадида, корхонанинг келажакда ўрнини белгиловчи мақсадларидан келиб чиқиб, олиб борилади.

Ғарб корхоналарида таркибий ўзгаришлар зарурат туғилишига қараб, доимий ўтказилиб турилади. Ташқи муҳитда юз бераётган ўзгаришлар ва ноаниқликларга мослашиш вазифаларини фирмалар бошқариш тузилмаси ва функцияларини мажмуавий тарзда ислоҳ қилиш йўли билан ҳал этадилар. Бунда энг самарали усуллардан бири қайта таркиблаш ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, корхона рақобатбардошлигини оширишнинг бошқа воситаларидан қайта таркиблашнинг фарқли жиҳати шундаки, у барча соҳаларда рақобат афзалликларини шакллантириш, сақлаб туриш ва ошириш мақсадида корхона фаолиятини ўзгартиришга қаратилган мажмуавий ва доимий жараёндир.

Кейинги вақтларда «ислоҳ қилиш» ва «реструктуризация қилиш», тушунчалари кенг ишлатилиб, бу тушунчалар тез-тез бир-бирига қўшилиб, бир томонлама тушунтирилмоқда. “Қайта таркиблаш” атамаси тўғридан-тўғри таржима қилинганда “бирор-бир нарса тузилишини ўзгартириш усули” деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан бу атама бизнес юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ёки иқтисодий тизим (мамлакат, минтақа, корхона иқтисодиёти)нинг алоҳида унсурлари ўзгаришини ифодаловчи “реорганизация” (қайта ташкил этиш), “ислоҳ қилиш” тушунчаларига яқин маънони англатади*.

* Шишов А.К. Изменения – основа развития предприятий // Экономика и производство. – 2005, – N 4. – с.28.

Кўпгина расмий ҳужжатларда корхонани реструктуризация қилишга йўналтирилган корхона фаолияти тамойилларининг ўзгариши ислоҳ қилиш каби тушунилади, лекин корхонанинг намунавий ислоҳ этиш дастурида реструктуризация қилиш йўли орқали ислоҳ қилишдан кўзланган мақсадга эришилади дейилган. Расмий изохларга таяниб кўпгина муаллифлар реструктуризация қилиш корхонани ислоҳ қилиш воситаси ҳисобланади ёки «ислоҳ қилиш» ва «реструктуризация қилиш», тушунчаларини ёнма-ён қўйиб, ислоҳ қилишни корхонани қайта ташкил қилиш стратегиясига киритишади ва реструктуризация қилиш эса корхона тузулмасини ва улар томонидан яратиладиган маҳсулотни ўзгаришини ифодалайди деб хулоса чиқаришади. Албатта, монография муаллифининг фикрига қўшилмаслик қийин, лекин катта ишонч билан айтиш мумкинки, реструктуризация – бу корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш воситаларидан бири бўлиб, умумий ислоҳ қилиш дастурининг бир қисми ҳисобланади.

Одинцов М.В., Ежкин А.В корхонани ислоҳ қилиш тушунчасининг замонавий назарияси ва амалиёти реструктуризация қилиш, мулкчилик шакли ўзгариши (акционерлар таркибини ўзгариши, қўшма корхона, молия-саноат гуруҳлари, холдинглар ташкил қилиш), ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб беришдаги турли ўзгаришларни ўзида мужасамлаштирган кўпгина хўжалик фаолияти йўналишлари ва уни қайта ташкил қилишни қамраб олади деб ёзишган. Ушбу ҳолатда ислоҳ қилиш тушунчаси тўлиқ ва кенг ҳисобланади, лекин мазкур мақола муаллифининг фикрича, реструктуризация қилиш ва мулкчилик шакли ўзгаришини ажратиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки реструктуризация ўтказиш одатда акциядорлар таркибида ўзгаришлар, акциядорлик капиталини хусусий капиталга ўзгариши ёки аксинча аралаш мулкчилик шаклидаги тузулма яратилиши билан биргаликда амалга оширилади. Шунинг учун мулкчилик шакли ўзгариши бу корхонани ислоҳ қилишнинг мустақил жараёни бўлмай, балки реструктуризация қилиш натижаси ҳисобланади. Реструктуризация

қилиш корхона фаолияти, бошқаруви, молия тузулмасини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган жараёни ўзида акс эттиради. Бунда ишлаб чиқаришнинг барча омиллари самарали ишлашнинг таъминлайдиган корхонани тузулмавий қайта ташкил қилиш бизнес-бирлик комплексини, яъни комплекснинг алоҳида бошқариладиган бўлимини ташкил қилишга мўлжалланган. Шундай қилиб, ҳамма қайта ташкил этиш ҳам реструктуризация бўлавермас экан, корхона фаолиятини тубдан ўзгариладиган ҳолатларда реструктуризация қилишга киритишимиз мумкин.

Реструктуризация тадбирларига ажратиб чиқариш, бўлиниш, қўшиб юбориш, шўъба корхоналарини ташкил этиш, масъул марказлар, бошқарув системасини қайта ташкил қилиш, назорат олиб бориш, мулкчилик шаклини ўзгартириш киради. Реструктуризация қилиш кераксиз ва зарар келтираётган фаолият турларини тугатиш ҳисобига харажатларни камайтириш ва бошқарув, умуман барча ходимлар сифатини оширишга йўналтирилган, аммо бу ҳисоб тизими ва фаолиятни самарали баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этишни талаб қилади. Реструктуризация қилиш кенг қамровли ва ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндисини, ташкилий структурасини қайта ташкил этишдан тортиб, замонавий бошқарув элементлари қўшилган бизнес жараёнларни ўзида мужасаммлаштиради.

Умуман олганда шунини таъкидлаш керакки, реструктуризация корхонанинг ўзини мақсади эмас, балки кўпгина корхоналар учун молиявий танглик ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли ҳисобланади. Корхонада оғир молиявий танглик ҳолати, банкротлик аломатларининг юзага келиш хавфи ёки корхона мулки ва обрўсидан айрилиши, асосий ишлаб чиқаришнинг паст рентабеллиги, инвестиция жалб этиш имкониятининг йўқлиги реструктуризация қилишни талаб этади. Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларнинг мавжудлиги бир қатор сабаб билан изоҳланади. Корхонани танг ҳолатга олиб келган ички сабаблар:

- бошқарувнинг самарасизлиги;

- капитализациянинг етишмаслиги;
 - қарзнинг кўплиги;
 - маҳсулот янги турларининг етишмаслиги;
 - малакали мутахассисларни сақлаб қолишга рағбатлантиришининг пастлиги;
 - режалаштиришдаги камчиликлар;
 - бошқарув ахборот тизимидаги камчиликлар;
 - асосий бозорга кира олмаслик;
 - ўз вақтида қилинадиган ички ҳисоботнинг йўқлиги ва бошқалар.
- Корхоналарнинг ёмонлашишига қуйидаги ташқи сабаб бўлиши мумкин:
- макроиктисодий ва сиёсий рисклар;
 - тармоқлар шароити; қонунчиликни такомиллаштирилмаслиги;
 - юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
 - юқори рақобатчилик муҳитининг айниқса, чет эл ишлаб чиқарувчиларининг мавжудлиги;
 - ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар бозорининг қисқариши;
 - табиий офатлар ва бошқалар.

Айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган ички ва ташқи тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Умуман, яхшилаш деганда бизнеснинг қийматини максималлаштиришга кўмаклашувчи тадбирлар мажмуаси тушунилиб, ички яхшилашга маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш жараёни бошқарилишини такомиллаштириш, асосий ва айланма маблағларга қўйилмалар қилиш, ташқи яхшилашга корхонанинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш киради.

Шундай қилиб, реструктуризация бу корхона фаолиятини тубдан ўзгартирадиган, ички ва ташқи яхшилаш орқали корхонанинг ўз маблағлари қийматини оширишдир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, реструктуризация ислохотлар жараёнида муҳим ўрин эгаллаб, айрим ҳолларда корхонани ислохот қилишнинг ягона

йўли бўлиб ҳисобланади. И. Мазура ва В. Шапироларнинг ҳисоб китобларига қараганда Россия корхоналари реструктуризациясига қўйилган ҳар бир рубль 5-6 баробар даромад бериши мумкин экан*. Такқослаш учун улар олимларнинг хориж амалиётини ўрганиш давомида олинган хулосаларини келтирадилар, яъни иқтисодиётнинг айрим тармоқларини реструктуризация қилиш бир ходимга тўғри келадиган самарадорлиги даражасини 15-20% га ошишига ва лойиҳани амалга оширишнинг инвестицион даврини 13-15% га қисқартирар экан. Шунинг учун реструктуризацияни мулчилик таркибини энг мақбул даражада шакллантириш ва кейинчалик ишлаб чиқаришни инвестицион ривожлантириш корхонанани ислоҳ қилишнинг асосий даври сифатида қараш керак.

Шундай қилиб, муваффақиятли реструктуризациянинг икки шarti мавжуд:

- ўз маблағлари қийматини ўсиб бориши;
- ўз маблағлари рентабеллиги даражасини унинг қийматидан ошиши.

Шундай қилиб, реструктуризация қилишнинг асосланган вариантини танлаш учун мулкдор авваламбор, қўйилма қилинаётган объектнинг ҳақиқий қийматига нисбатан бизнеснинг инвестицион қийматини оширишга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Реструктуризация қилиш жараёнини бошламасдан олдин қандай натижа олиниши, компания фаолиятида қандай туб ўзгаришлар юз бериши ҳақида аниқ режа ва тўлиқ тасаввур бўлиши лозим, бунда вақтинчалик танглик ҳолатларини ҳал этиш учун қилинган ишлар компаниянинг узоқ муддатга мўлжалланган фаолият стратегиясини барбод қилмасдан, балки уни қўллаб – қувватлаш учун хизмат қилиши керак.

Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг яна бир усулларида бири хўжалик фаолиятини диверсификациялаш ва молиявий даромадларни ошириш ҳисобланади. Корхоналарни молиявий соғломлаштиришда уларнинг молиявий даромадларини ошириш жуда муҳим

* www.elitarium.ru интернет сайти маълумотлари.

саналади. Корхоналарда ушбу мақсадларга самарали эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

1. Малакали молиявий менежерларни жалб қилиш. Молиявий менежер бизнес эгасининг ёлланма ишчиси бўлиб, унинг манфаати йўлида хизмат қилади. Молиявий менежер корхонага юқори даромад келтирадиган жозибатор инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини ва усулларини аниқлаш, корхонанинг ликвидлигини самарали бошқариш, инвесторлар манфаатига мос келадиган ҳолда фойдани тақсимлаш сиёсатини танлаш орқали ўз иш берувчиси бойлигини максималлаштиришга хизмат қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, бизнес эгаларининг бойлигини максимизацияси ва корхонанинг стратегик мақсадларига эришиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, корхона бошқарувчилари ўз олдига узоқ муддат давомида даромадликини ошириш имкониятига эга бўлган стратегик мақсадларни қўйишини талаб қилади. Корхона учун энг муҳим ресурс пул ҳисобланади, чунки уни исталган бошқа активга айирбошлаш имконияти мавжуд. Кредитлар бўйича фоизлар ва дивидендлар ҳам пул кўринишида тўланади. Молиявий менежер келажакда номаълум бўлган пул кирими ва чиқимларини баҳолаш ва режалаштириш билан бевосита шуғулланади. Савияси юқори менежер корхонага юқори даромадликини ўз билим ва кўникмалари билан таъминлаши мумкин.

2. Корхона капитали ва даромадини дисконтлаштириш. Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин бўлган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши кутилаётган суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муддатга жамланган даромадни айириш керак. Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо қоғозларнинг қийматини аниқлашда, банк, суғурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда кенг қўлланилади. Даромадни дисконтлаштириш келажакда пул тушумларини (фойда, фоизлар, дивидендлар) баҳолаш учун қўлланилади. Инвестор

келгусида режалаштирилган даромад даражасидан келиб чиққан ҳолда лойиҳага максимал миқдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини тўғри баҳолаши керак акс ҳолда кутилган мақсадларга эришиш имконияти бўлмайди.

3. Молиявий рискни кўчириш усулларида фойдаланиш. Рискни кўчириш- юқори рискли лойиҳаларни ўз зиммасидан рискни тўлиқлигича ёки қисман бошқа бошқа субъект, активга ўтказишдир. Рискни кўчиришнинг 3 асосий усули мавжуд- хеджирлаш, суғурта ва диверсификация.

Хеджирлаш- нархларнинг салбий ўзгаришларни олдини олиш мақсадида олдиндан тузиладиган биржадаги битимлар ҳисобланади. Яъни корхона олдиндан битим тузган ҳолда нархни белгилаб келгусида шу нарх бўйича савдо қилади. Нархлар кескин тушиб кетганда ҳам корхона битимда қатъий белгиланган нарх асосида савдони амалга оширади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, хеджирлаш келгусида олиниши мумкин бўлган даромаддан воз кечтириш имкониятига ҳам эга. Чунки нарх доимий равишда тебраниб туради.

Суғурта - бу молиянинг алоҳида шакли бўлиб, ҳаётда ва бозор иқтисодиётида маълум бўлган рискларни келишилган ҳақ эвазига қабул қилиб компенсациялашдан иборат молиявий фаолият тури ҳисобланади. Молия бозорида бундай фаолиятни ихтисослашган юридик шахс мақомига эга бўлган турли мулкчилик шаклида тузилган суғурта ташкилотлари (компаниялари) амалга оширади.

Диверсификациянинг моҳияти шундан иборатки, инвестицион портфельнинг умумий riskини камайтириш мақсадида, бир нечта riskли ативларни харид қилишдан иборат. Яъни иқтисодий фаолият қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига кириб бориш. Инвестор қўйилгани уч усул орқали диверсификация қилиши мумкин- бир нечта корхонага инвестиция қилиш, бир нечта маҳсулот турини ишлаб чиқарувчи корхонага инвестиция қилиш ва инвестиция киритиладиган соҳага мўлжалланган фондга инвестиция қилиш. Устун томони шундан иборатки,

бирор-бир инвестицион портфель камомад билан чиқса уни бошқа портфеллар эвазига қоплашдир.

Шунингдек валюта захираларини диверсификация қилиш амалиётда кўп учрайди. Валюта курслари доимо тебраниб турадиган шароитда валюта захиралари диверсификацияси қилиш мақсадга мувофиқдир. Валюта курсини диверсификация қилиш деганда, захиралар таркибидаги нобарқарор валютани сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш тушунилади.

4. Факторинг операцияларидан фойдаланиш. Факторинг- ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳасидаги янги хизмат турларидан бўлиб, корхонанинг (мижознинг) айланма капиталини кредитлаш билан мувофиқлашади. Факторинг операциясининг асосий мақсади мижозларининг қарздорлигини ўз вақтида инкасса қилиш, тўловларини ўз муддатида олиб бориш, шубҳали қарздорликларини пайдо бўлишини олдини олиш, мижозларининг ликвидлигини ошириш ва уларнинг молиявий рискларини пасайтиришдан иборатдир. Бундай операцияларни одатда махсус факторинг фирмалари амалга оширади. Улар банклар билан зич боғланган ёки уларнинг ихтисослашган филиаллари ва компаниялари ҳисобланади.

Факторинг операцияларида банк ўз мижозларининг дебиторларга талабларини (даъволарини) сотиб олади. Бунда банк талабнинг 60-70-90% ни (фоиз даражаси мижознинг молиявий ҳолати, ликвидлилик даражаси ва бошқа молиявий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда турли хил бўлиши мумкин) аванс тариқасида бирданига тўлаши қолган қисмини эса, (кредит учун фоизни ҳисобга олмаган ҳолда) белгиланган муддатда, дебитордан тўлов тушишидан қатъий назар тўлайди.

Факторинг мижозларга хизмат кўрсатишнинг универсал шакли ҳисобланади, чунки мижозлар ўз талаблари (даъволари) буйича бухгалтерия ҳисобини юритиш, уларнинг тўловлилигини текширишдан холи булишади. Банклар мол сотиб олувчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборотни

мижозларига етказишлари, хорижий давлатлардаги тўловлар кафолатини ўз буйнига олишлари мумкин.

5. Инновацион технологияларни жорий қилиш. Инновация деганда, янги технологиялар, маҳсулот ва хизмат турлари, ишлаб чиқариш, молия, тижоратга оид, маъмурий ёки бошқача хусусиятга эга бўлган ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ечимлар кўринишидаги янгиликлардан даромад олиб фойдаланиш тушунилади. Яратилган исталган янгилик корхона фаолиятига кескин таъсир қилиб ўз рақобатчиларидан бир қадам олдин юриш имконини беради ва бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олган ҳолда юқори натижаларга эришади.

Барчага маълумки, бир сифат ҳолатидан бошқасига ўтиш ресурслар (энергия, вақт, молия ва бошқаларни) сарфлашни талаб этади. Товарлар олди-сотдисидан иборат иқтисодий муносабатлар тизими бўлган ҳамда талаб, таклиф ва баҳони шакллантирадиган бозор шароитида инновацион фаолиятнинг асосий таркибий қисмларини янги маҳсулотлар, инвестициялар ва янгиликлар ташкил қилади. Янги маҳсулотлар- ушбу маҳсулотлар бозорини, инвестициялар- капитал (инвестициялар) бозорини, янгиликлар (инновациялар) - янгиликларнинг соф рақобати бозорини шакллантиради. Инновацион технологиялар (маҳсулотлар)ни корхона молиявий фаолиятига тадбиқ қилиш ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида муҳим ҳисобланади ва корхона ҳаражатларини самарали бошқаришга олиб келади. Шунингдек, махсус инновацион маҳсулотлар ёрдамида дунёда юз бераётган янгиликлардан (сиёсий, иқтисодий), қимматли қоғозлар бозорларидаги котировкаларнинг ўзгариши, валюта бозоридаги валюта курсларини тебранишидан ўз вақтида бохабар бўлиб бориш орқали оператив қарорлар қабул қилиш имконини яратади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги асосий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Молиявий соғломлаштириш – корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш. Бошқача қилиб айтганда, корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш дейилганда, корхона фаолиятини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириш, уларда реструктуризациялаш жараёнларини жорий этиш, хўжалик – молиявий фаолиятини модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг мажмуи ҳисобланади.

2. Корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг муҳим тадбирларидан бири бу суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳисобланади. Суд санацияси - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили. Ташқи бошқарув - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили ҳисобланади.

3. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, хўжалик молиявий фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг муҳим тадбирларидан бири корхона капитали ва даромадини дисконтлаштириш ҳисобланади. Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин бўлган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши кутилаётган суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муддатга жамланган даромадни айириш керак. Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо қоғозларнинг қийматини аниқлашда, банк, суғурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда

кенг қўлланилади. Даромадни дисконтлаштириш келажакда пул тушумларини (фойда, фоизлар, дивидендлар) баҳолаш учун қўлланилади. Инвестор келгусида режалаштирилган даромад даражасидан келиб чиққан ҳолда лойиҳага максимал миқдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини тўғри баҳолаши керак акс ҳолда кутилган мақсадларга эришиш имконияти бўлмайди.

4. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштиришнинг муҳим тадбирларидан бири реструктуризациялаш ҳисобланади. Корхонани қайта таркиблаш (реструктуризациялаш) – бу табиий жараён бўлиб, корхонанининг янги шароитга мослашишга ва молиявий-иқтисодий соғломлаштиришга йўналтирилган чора тадбирлар мажмуасидир. Бу жараён корхона менежментлари, мулк эгалари, ёки кредиторлар томонидан, корхонани янгилаш ва соғломлаштириш мақсадида, корхонанинг келажакда ўрнини белгиловчи мақсадларидан келиб чиқиб, олиб борилади.

5. Корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш умуман самарали бошқарув тизимини жорий этишда молиявий менежмент ёки молиявий менежернинг ўрни муҳим саналади. Молиявий менежер корхонага юқори даромад келтирадиган жозибадор инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини ва усулларини аниқлаш, корхонанинг ликвидлигини самарали бошқариш, инвесторлар манфаатига мос келадиган ҳолда фойдани тақсимлаш сиёсатини танлаш орқали ўз иш берувчиси бойлигини максималлаштиришга хизмат қилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, бизнес эгаларининг бойлигини максимизацияси ва корхонанинг стратегик мақсадларига эришиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, корхона бошқарувчилари ўз олдига узоқ муддат давомида даромадликни ошириш имкониятига эга бўлган стратегик мақсадларни қўйишини талаб қилади. Корхона учун энг муҳим ресурс пул ҳисобланади, чунки уни исталган бошқа активга айирбошлаш имконияти мавжуд. Кредитлар бўйича фоизлар ва дивидендлар ҳам пул кўринишида тўланади.

Молиявий менежер келажакда номаълум бўлган пул кирими ва чиқимларини баҳолаш ва режалаштириш билан бевосита шуғулланади. Савияси юқори менежер корхонага юқори даромадлиликни ўз билим ва кўникмалари билан таъминлаши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.:Ўзбекистон, 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси». 2007 й. 29 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни 2000 йил 14 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 1994 йил 05 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелдаги 180-сонли Қарорига 1-илова, «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланиладиган корхоналарни мол-мулкани баҳолаш ва сотиш» тўғрисидаги Низом.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 289-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги ПФ-4058 сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабр «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.

11. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи 2010 йил 29 январ.
12. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йил 21 январь. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2011. – 48б.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
17. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
18. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. 14 Т. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

19. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. Т.16.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ - Иқтисодиёт, 2009 й.
21. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).
22. Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).
23. Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Гафуров У.В. ва Нейматов И.У. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б. (электрон версияси билан).
24. Брейли Р., Майерс С., Принципы корпоративных финансов/Пер. с англ. – М., 2004 г.
25. Васильева М.В., Малий Н.А. Финансовая политика. – Ростова Н/Д Феникс. 2008 г.
26. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Т.: Иқтисод-Молия, 2008 й.
27. Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. М.: Эксмо, 2009 г.
28. Галицкая С.В. Финансы. – М.: Эксмо, 2007. – 336 с.
29. Гукасян Г.М. и др. Экономическая теория. Учебник – М.:Эксмо, 2008 г.
30. Иванова В.В., Ковалова В.В. Финансы. – М.: ТК Велби, 2008. – 272 с.
31. Ковалев В.В., Вит.В. Ковалев Финансы организаций (предприятий). М.: Проспект, 2006 г.

32. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. М.: Эксмо, 2007 г.
33. Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси. Т.: Шарқ, 2003 й.
34. Хусанов Ғ.Н., Турсунходжаев М.Л., Бақиев А.Р. Молиявий менежмент. Т.: Ворис нашриёти, 2006 й.
35. Поляк Г.Б. Финансовый менеджмент 2-е издание. М.: Юнити, 2008 г.
36. Рындин А.Г., Шамаев Г.А. Организация финансового менеджмента на предприятии. – М.: Русская Деловая литература, 2003. – 351с.
37. Сергеев, И.А. Экономика организации: Учеб. пособие – 3-е изд., перераб. и доп. / И.А. Сергеев. – М: Финансы и статистика, 2006 г. – 576 с.
38. Стоянов Е.А., Стоянова Е.С. Экспертная диагностика и аудит финансово-хозяйственного положения предприятия. - М.: Перспектива, 2002. – 509 с.
39. Самогородская М.И. Рекомендации по проведению экспертизы инвестиционных проектов, претендующих на включение в региональную инвестиционную программу // Ж. Менеджмент в России и за рубежом, 2008 год № 1.
40. Поляк Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008 г.
41. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: ЖИДУ. 2009.
42. Жумаев Н.Х., О.Қ. Абдурахмонов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. Тошкент “Академнашр” – 2010 йил. 156 бет.
43. <http://www.antimon.uz> - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси
44. <http://www.referat.ru> - Рефератлар, иншолар, курс ишлари, иқтисод ва бошқалар.
45. <http://www.bilimdon.uz> - Ўзбекистонда фан ва таълим. Виртуал билимлар супермаркети.
46. <http://www.uz> - Ўзбекистон Республикаси ресурслари каталоги.

47. <http://www.cer.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар маркази - Ўзбекистон
48. <http://cere.tfi.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази.
49. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
50. <http://www.nalog.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
51. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

